

## **Тошкент давлат аграр университетининг Ҳалқаро ҳамкорлик бўйича 2020 йил ҳисоботи.**

Университет чет эл мамлакатларининг олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот ташкилотлари билан илмий ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Бунга Хитой, Германия, Россия, АҚШ, Индонезия, Голландия, Белгия, Австрия, Италия, Словакия, Жанубий Корея, Япония ва бошқа қатор мамлакатларнинг илмий жамоатчилиги билан ҳамкорлик ҳақида тузилган шартномаларни мисол қилиб қўрсатиш мумкин. Тошкент давлат аграр университетида 90 дан ортиқ ҳамкорлик шартнома ва меморандумлар мавжуд бўлиб шулардан 7 таси ҳамкорлик шартнома ва меморандумлар 2020 йилнинг март ойигача бўлган даврда имзоланди.

Университетнинг стажёр-тадқиқотчи-изланувчилари ва катта илмий ходим-изланувчилари, профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари борасидаги ўзаро тажриба алмашишлари ҳамда малака оширишлари хам йўлга қўйилган. Бундан ташқари, чет-элнинг нуфузли, рейтинги юқори университетларидан профессорларни университетга жалб этиш борасида ҳамкорлик ишларини давом эттириб “Ветеринария” ва “Ўсимликшунослик” кафедраларида Жанубий Кореялик икки нафар ҳамда Непал университетидан бир нафар профессорлари фаолият олиб боришиди ва уларнинг фаолиятлари пандемия сабабли кейинги йилларга қолдирилди.

Университет аграр фан, таълим ва ишлаб чиқариш йўналишлари борасида чет эл мамлакатларининг университетлари, илмий тадқиқот институтлари ва бошқа илмий марказлари билан ҳамкорликда ахборот алмашиш йўлга қўйилган, фан ва таълим соҳаларида ҳалқаро грантлар дастурлари асосида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, университет жамоаси хорижий давлатларнинг ФАО, ЭРАЗМУС+, ДААД, КОЙКА, ЖАЙКА, ЮСАИД ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар доирасида грант ва дастурларда иштирок этиб келмоқда.

2020 йилнинг март ойига қадар университетнинг 7 нафар профессор-үқитувчилар ва ёш тадқиқотчилари Япония, Россия Федерацияси ва Арманистон Республикасида турли семинар ва ўқув дастурларида қатнашиб келишди, Тошкент давлат аграр университети ва Белорусиянинг Могилев давлат озиқ-овқат университети ўртасидаги имзоланган шартномага асосан стажировка дастури асосида университетининг 55 нафар профессор-үқитувчилари бир ой давомида онлайн тарзда ўз малакаларини оширидилар. Профессор-үқитувчилар 144 соатлик ўқув дастури давомида озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш, замонавий техника ва технологиялар ҳамда уларнинг ишлашини, иқтисодиёт ва бошқа соҳалар бўйича дастурда иштирок этдилар. Профессор-үқитувчилар малака ошириш курсини муваффақиятли якунлаб халқаро сертификатларга эга бўлдилар. Сертификатларни Белорусиядан ташриф буюрган техника фанлари доктори, профессор, ушбу малака ошириш курси раҳбари Иванов Александр Василевич ҳамда университет проректорлари биргаликда топширдилар.

Шуниндек, университетда талабаларни кўпгина халқаро лойиҳа ва дастурларга жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирликларини ёрдамида амалга оширилиб келмоқда. Шу билан бирга университетнинг бакалавр ва магистр талабалари чет эл давлатларида ўқиш ҳамда амалиёт ўтиш учун зарур бўлган барча хужжатлари расмийлаштирилди ҳамда виза олиш учун элчихоналарга юборилмоқда.

Хозирги кунда Тошкент давлат аграр университетида Полша, Россия, Германия давлатлари билан тузилган қўшма таълим дастурлари асосида ўқиш ташкил этилган.

Бундан ташқари 2020 йил март ойигача бўлган даврда университетимизга Жанубий Корея, АҚШ, Япония, Қозоғистон, Грузия, Белорусия, Россия Федерацияси, Германия Федератив Республикаси, Бирлашган Араб Амирлиги (БАА), Туркия ва Польша давлатларидан хорижий делегациялар ташриф буюрдилар, университетимиз билан яқиндан

танишдилар, семинарлар ўтказдилар хамда ҳамкорлик қилиш истагини билдиришиб икки томонлама ҳамкорлик келишувларини имзоладилар.

Шунингдек “Кўшма таълим” дастурлари асосида Россия Федерациясининг “Саратов давлат аграр университети”, “Астрахан давлат технология университети”, “Волгоград давлат аграр университети”, Полша давлатининг “Полша давлат Домбров-Гурниче олий бизнес мактаби” Белорусиянинг “Гродно давлат аграр университети” билан ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

**Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор**

**А.Абдувасиков**